

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**ҚАЮМОВА ДИЛРАБО ТАЛМАСОВНА**

**ПЕРИМЕНОПАУЗА ДАВРИДАГИ АЁЛЛАРДА ДАВОЛАШ-  
ПРОФИЛАКТИКА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАҲЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации**  
**Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation**

**Қаюмова Дилрабо Талмасовна**

Перименопауза давридаги аёлларда даволаш-профилактика  
чора-тадбирларини оптималлаштириш..... 3

**Қаюмова Дилрабо Талмасовна**

Оптимизация лечебно-профилактических мероприятий  
у женщин в перименопаузе..... 31

**Қаюмова Дилрабо Талмасовна**

Optimization of therapeutic and preventive  
measures of the perimenopausal women..... 59

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of pulished works..... 63

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**ҚАЮМОВА ДИЛРАБО ТАЛМАСОВНА**

**ПЕРИМЕНОПАУЗА ДАВРИДАГИ АЁЛЛАРДА ДАВОЛАШ-  
ПРОФИЛАКТИКА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2.DSc/Tib300 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасига ([www.tashpmi.uz](http://www.tashpmi.uz)) ва "ZiyoNet" Ахборот-таълим порталига ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:** **Нажмутдинова Дилбар Камариддиновна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Каттаходжаева Махмуда Хамдамовна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Ниязметов Рахматулла Эрматович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Камилова Умида Кабировна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** **Новосибирск давлат тиббиёт университети**  
**(Россия Федерацияси)**

Диссертация химояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти хузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01. рақамли Илмий кенгашининг 2020 йил «12» декабр куни соат 11<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140 Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси 223 уй. Тел/факс: (+998) 71-262-33-14, e-mail: [mail@tashpmi.uz](mailto:mail@tashpmi.uz)).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (622 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140 Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси 223 уй. Тел/факс: (+998) 71-262-33-14.

Диссертация автореферати 2020 йил «10» декабр куни таркатилди.  
(2020 йил «    » даги 98 рақамли реестр баённомаси).



**А. В. Алимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**К.Н.Хаитов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.И. Ахмедова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Тиббий хизматни таъминлаш миллий тизимида «соғлом қариш» тамойилини Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) янги устуворлик сифатида белгилаб берди<sup>1</sup>. Бундай стратегия танланишининг боиси шундаки, менопаузага қадам қўётган аёллар сони йил сайин ортиб бормоқда ва 2020 йилга келиб, у 47 млн ташкил этди, 2050 йилга келиб эса бу рақамнинг 1,2 млрд га яқинлашиши кузатилмоқда<sup>2</sup>. Аёллар умрининг узайиши билан организмнинг умумий қариши, шунингдек, эстрогенлар ишлаб чиқарилишининг тўхтатилиши билан боғлиқ касалликлар сони ортиб боради. Ўсиб бораётган эстроген танқислиги климактерик синдром (КС) ривожланишига олиб келади, нотўғри ҳаёт тарзи эса менопаузадаги метаболик синдромнинг (ММС) шаклланишига сабаб бўлади, бу эса ҳаёт сифати (ҲС)га салбий таъсир кўрсатиб, ногиронлик ҳамда эрта ўлимга олиб келади. Шу сабабли перименопаузада аёллар саломатлиги ва ҲСни сақлаб қолиш ва қўллаб-қувватлаш масалалари долзарб бўлиб, муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамият касб этади.

Жаҳон миқёсида сўнгги йилларда репродуктив ёшдан ўтган аёллар саломатлигини сақлаш, климактерийнинг патологик кечиш ривожланишининг хавф омилларини аниқлаш ҳамда индивидуал ёндашув тамойилларига асосланган инновацион даволаш-профилактика чораларини ишлаб чиқиш ва танлашга қаратилган илмий тадқиқотлар сони ортиб бормоқда. Нейро-вегетатив, эндокрин алмашинув ва психоэмоционал бузилишлар ҳамда гиперпластик жараёнларнинг клиник-патогенетик механизмларини ўрганиш аёлларга тиббий ёрдам кўрсатиш даражасини ошириш имконини беради. ЖССТ концепциясига таяниб айтиш мумкинки, тўлақонли ҳаёт кечириш учун яхши кайфият ва ҲСни яхшилашга қаратилган саломатлик дастурлари керак бўлади<sup>2</sup>. Саломатлик ҳолати ва ҲСни баҳолаш даволаш-профилактика чораларнинг самарадорлигини ва олиб бориш тактикасини аниқлаб беради, ҳамда перименопауза давридаги аёлларни ногиронликка ва эрта ўлимга олиб келувчи коморбидликни олдини олади.

Республикада соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда, «...тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий этиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Соғлом қариш глобал устуворликка айланиши керак. Янгиликлар тўплами // ЖССТ. 06.11.2014.

<sup>2</sup> ЖССТ Бюллетени. 91-чиқариш, 9-сон, 2013 йил сентябрь, 621-715. Махсус мавзуй сон: репродуктив ёшдан ўтган аёллар саломатлиги. Соғлиқни сақлаш тизимларининг ҳаёт цикли давомида аёллар саломатлигини сақлашга қайта мослашуви. <http://www.who.int/bulletin/volumes/91/9/ru/index.html>

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони.

мақсадида коморбид патологияли репродуктив ёшдан ўтган аёллар саломатлигини, предикторларни ўз вақтида аниқлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 майдаги ПФ-4310 сон «Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони, 2020 йил 2 октябрдаги ПҚ-4847-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот иши республикамизда фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>4</sup>.** Климатерийнинг патологик кечиш патогенези, молекуляр-генетик, морфологик, биокимёвий ва клиник-лаборатория усулларни қўллаб ташхислаш, замонавий терапевтик ёндашувларни ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий ва олий ўқув-таълим марказларида, жумладан, University of Sydney (Австралия), Christchurch Women's Hospital (Янги Зеландия), King's College Hospital, (Буюк Британия), University of Barcelona (Испания), New York University School of Medicine, Stanford University, Columbia University, University of Illinois (АҚШ), University of Pavia, University of Pisa, (Италия), Paris Descartes University, (Франция), University of Belgrade (Сербия), академик В.И. Кулаков номидаги Акушерлик, гинекология ва перинатология миллий тиббий тадқиқотлар маркази (Россия)да олиб борилмоқда.

Пери- ва постменопаузадаги аёллар саломатлигига бағишланган, тизимли узгаришларни ташхислаш, даволаш ва олдини олиш бўйича жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида катор илмий натижалар олинган, жумладан: климатерик даврдаги бузилишлар ва менопаузал гормонал терапияни (МГТ) куллаш бўйича АҚШда - Women's Health Initiative (WHI), Heart and Estrogen-progestin Replacement Study (HERS); Европада - Postmenopausal Estrogen/Progestin Interventions (PEPI); ҳозирги пост-WHI даврида «терапевтик имкониятлар дарчаси»да МГТ даври гипотезасининг асослилиги сўнгги йилларда амалга оширилган рандомизирланган когорт

---

<sup>4</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий тадқиқотлар шарҳи [www.sydney.edu.au](http://www.sydney.edu.au), [www.cdhb.health.nz](http://www.cdhb.health.nz), [www.kch.nhs.uk](http://www.kch.nhs.uk), [www.ub.edu](http://www.ub.edu), [www.mad.nyu.edu](http://www.mad.nyu.edu), [www.stanford.edu](http://www.stanford.edu), [www.columbia.edu](http://www.columbia.edu), [www.illinois.edu](http://www.illinois.edu), [www.wcm-3.unipv.it](http://www.wcm-3.unipv.it), [www.unipi.it](http://www.unipi.it), [u-paris.fr](http://u-paris.fr), [www.bg.ac.rs](http://www.bg.ac.rs), [www.ncagp.ru](http://www.ncagp.ru) сайтлари маълумотлари асосида бажарилди.

тадқиқотларда ишончли тасдиқланган: Kronos Early Estrogen Study (KEEPS), Early versus Late Intervention Trial with Estradiol (ELITE). Климактерик давридаги аёлларда ҲСни ўрганишга кўплаб тадқиқотлар бағишланган: кучли вазомотор симптомларда (академик В.И. Кулаков номидаги Миллий акушерлик, гинекология ва перинатология тиббий тадқиқот маркази, Россия Федерацияси), тўлиқ КСда (И.И. Мечников номидаги Санкт-Петербург Давлат тиббиёт академияси), МСда (Н.И. Пирогов номидаги Россия илмий тадқиқот тиббиёт университети) ҲС сезиларли пасайган ва коррекциянинг номедикаментоз: жисмоний фаоллик (Г.А. Альберхт номидаги Санкт-Петербург илмий ногиронлар реабилитация маркази), йога машгулотлари (University of Washington School of Medicine, USA, University of Duisburg-Essen, Germany), акупунктура ёрдамида (Taipei Medical University, Taiwan) ва медикаментоз усуларидан (ACOG, University of Pavia, Italy) сўнг ҲС яхшиланган.

Бугунги кунда жаҳон миқёсида перименопауза давридаги аёлларда даволаш-профилактика чора-тадбирларини такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда: ташхислашга персонал ёндошувни таъминловчи молекуляр-генетик текширув усулларини ва кейинчалик эндометрийнинг гиперпластик жараёнларини, психоэмоционал, нейро-вегетатив, метаболик бузилишларни даволаш бўйича; перименопаузал даврдаги аёлларни юқори коморбидлигини эътиборга олган ҳолда эрта anti-age-терапияни буюриш, факатгина турли миқдор ва комбинацияларни ўз ичига олган МГТ бўлиб қолмасдан, балки ёш ўзгаришларини коррекция қилиш ва олдини олишга қаратилган комплекс ёндошувли ҳаёт давомийлиги ва сифатига таъсир ўтказувчи даволаш-профилактик чора-тадбирларни такомиллаштириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Адабиётларда кенг спектрли клиник белгилар билан намоён бўладиган климактерийнинг патологик кечиш патогенезига катта эътибор қаратилмоқда. Масалан, Россия ва Европа олимлари сурункали психосоматик касалликлар КСнинг атипик ва узок (7,4-11,8 йил) давом этишига таъсир қилишини аниқладилар (Ильина Л.М. ва ҳаммуал., 2016; Avis N.E. et al., 2014). КСнинг кризли кечишига мойиллиги бўлган, симпатик тонуснинг икки қарра ошиши ва оқибатда шошилишч госпитализацияга олиб келиши билан тавсифланадиган вегетоневротик белгилари аниқланди (Расулева М.И., 2008; Агабабян Л.Р. ва ҳаммуал., 2017; Доброхотова Ю.Э. ва ҳаммуал., 2017; Freeman E.W. et al., 2014; Shams T. et al., 2014; Thurston R.C. et al., 2015). Хорижий муаллифлар маълумотларига қараганда (Randolph J.F. Jr. et al., 2013; Rossouw J.E. et al., 2013; Shazal S, et al., 2013; Avis N.E. et al., 2015), климакснинг эрта пайдо бўлиши ва патологик кечишига алоқадор натижалар турлича. Е.А. Сандакова ва ҳаммуал., (2014) чекиш, эрта менархе каби КС ривожланишига мойил айрим омилларни аниқладилар. Бошқа тадқиқотчилар ижтимоий (Reed S.D. et al., 2014), соматик (Tooher J. et al., 2013), психик (Bhat A. et al., 2017; Garay R.P. et al., 2019; Mulhall S. et al., 2017; Raglan G.B. et al., 2020) омиллар, шунингдек, асоратланган акушерлик-гинекологик анамнезининг таъсири юқори

эканлигини қайд этишади (Сметник В.П., 2014). Вазомотор белгилар билан эндотелиал бузилиш ва яллиғланиш маркерлари миқдори (Schoenaker D.A. et al., 2014; Thurston R.C. et al., 2015), шунингдек, кейинчалик юрак-қон томири касалликлари ҳамда когнитив бузилишлар ривожланиши хавфи ўртасидаги корреляцион боғлиқлик аниқланди (Franco O.H. et al., 2015; Van Driel C.M.G. et al., 2018; Greendale G.A. et al., 2020). МС ва КСни ташкил этувчи «ёпик доира» ҳосил бўлиши исботланган (Шишкин А.Н. ва ҳаммуал., 2013; Нейфельд И.В. ва ҳаммуал., 2014; Joseph L.J. et al., 2014). Шу билан бирга МС ва унинг алоҳида компонентлари, хусусан семиришнинг эндометрий гиперплазияси (ЭГП) ривожланишидан (Шакирова Е.А. ва ҳаммуал., 2016; Станоевич И.В. ва ҳаммуал., 2016; Чехоева А.Н. ва ҳаммуал., 2019; Singh S. et al., 2013; Özdemir S. et al., 2015) эндометрий саратони (2-50% ҳолатда) пайдо бўлиши ва ривожланишига мойиллигига таъсири аниқланди (Özdemir S. et al., 2015; Gon S. et al., 2016; NICE, 2018). Эндометрий рецептивлиги муаммосига бағишланган кўплаб тадқиқотлар чоп этилишига қарамай, ҳозирга қадар ЭГП шаклланишининг универсал молекуляр-генетик предикторлари аниқланмаган (Ордянец И.М. ва ҳаммуал., 2014; Слюсарева О.А., 2016; Solomatina A. et al., 2012).

Ўзбекистонда менопаузал метаболик синдромда генлар полиморфизмини ўрганиш бўйича ишлар олиб борилган (Мирзахмедова Н.А., 2019), КСни даволаш бўйича ягона тўғри усул сифатидаги МГТ даволаш чизмалари ишлаб чиқилган ва уни қўллаш тўғрилиги ва патогенетик асосланганлиги борасида мунозаралар давом этмоқда (Асранкулова Д.Б. ва ҳаммуал., 2014), унинг турли кўринишда кечишида айниқса МГТга қарши кўрсатма бўлган вазиятларда даволашнинг муқобил вариантлари таклиф этилган (Расулева М.И., 2008; Агабабян Л.Р. ва ҳаммуал., 2017).

Бугунги кунда МГТни профилактика мақсадида тайинлаш бўйича умумқабул қилинган тавсиялар мавжуд эмас (IMS, 2016), ваҳоланки қариб бораётган аҳоли умрини узайтириш ва ХСни оширишнинг асосий тамойили профилактика эмас, балки терапиядир. Дори воситаларини қабул қилиш бошқа профилактика чора-тадбирлари сингари ҳаёт тарзини ўзгартириш умумий стратегиясининг бир қисми бўлиши керак. Турли гормонал терапия ёки ногормонал воситаларни бевосита таққослаш асосида бажарилган ишлар кўп эмас. Кўпинча белгиланган даво муҳим тиббий-ижтимоий муаммога ечим топа олмайди: қайталанишларни баратарф этиш, касалликнинг барқарор чекиниши, юрак-қон томир тизими, вегетатив қон томир ва психоэмоционал бузилишларга комплекс таъсир кўрсатиш имконияти ҳар доим ҳам мавжуд эмас. Перименопауза муаммолари мажмуи позициясидан аёлларни даволаш ва парваришлашга бўлган аниқ қарашнинг мавжуд эмаслиги таъсир механизми ва йўналиши турлича бўлган препаратларни қўллаб терапия ўтказиш чизмаларини қиёсий ўрганиш, шунингдек, клиник, метаболик ва психоэмоционал ўзгаришлар динамикасини таққослаш заруратини талаб қилади. Ташхислаш ва аёлларни даволаш алгоритмларининг йўқлиги ва уларнинг тизимлаштирилмаганлиги ушбу тадқиқотни ўтказишни тақозо этди.



**Тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ №01.1500213 «Акушерлик ва гинекологик патологияси бўлган аёлларда ташхислаш, даволаш, башорат қилиш, профилактикасини олиб боришнинг замонавий технологиялари» (2015-2018 йиллар) тадқиқот ишлари режаси, шунингдек, П-А-9-059 «Перименопауза даврида аёллар саломатлигини баҳолаш ва ҳаёт сифатини яхшилаш чораларини ишлаб чиқиш» (2008-2010) амалий ва И-8 31/19 «Пери- ва постменопаузада аёллар саломатлигини баҳолашга бўлган комплекс ёндашув ва уларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш мақсадида ишлаб чиқилган даволаш-профилактика чораларини жорий этиш» (2010-2011) инновацион лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** аёлларда перименопауза даври кечишини патогенетик асосланган ташхислаш, олдини олиш усуллари ҳамда уларни индивидуал ва персонал олиб бориш алгоритминини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

кеч репродуктив, пери- ва постменопауза давридаги аёлларнинг саломатлигини ва ҳаёт сифатини баҳолаш;

перименопауза кечишидаги ўзига хосликларни аниқлаш, климактерий синдроми ривожланиш предикторларини белгилаш;

климактерий фазасига қараб, менопаузадаги метаболик синдром компонентлари белгиларининг учраш сонини аниқлаш;

пери- ва эрта менопаузада бачадондан аномал қон кетиш (БАҚК) кузатилган аёлларда эндометрийнинг морфологик ва гистокимёвий хусусиятларини аниқлаш;

пери- ва эрта менопаузада БАҚК кузатилган аёллардаги метаболик ва яллиғланиш каби ўзгаришлар TP53, TNF- $\alpha$ , ER, PR генлари полиморфизмлари вариантларига патогенетик жиҳатдан боғлиқлигини асослаш;

перименопаузадаги аёлларда психовегетатив ҳолати ва жинсий ҳаётни баҳолаш;

климактерик синдромни дифференциациялашган МГТ ва муқобил терапия усулида даволаш тамойилларини асослаш ҳамда даволаш-профилактика тадбирларининг клиник-лаборатор самарадорлигини баҳолаш;

перименопаузадаги аёлларда тизимли бузилишлар коррекциясига қаратилган ташхислаш, парваришлаш ва даволаш алгоритмларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2006-2018 йиллар давомида Тошкент тиббиёт академиясининг 2-клиникаси Аёллар саломатлиги марказида, Тошкент, Андижон, Фарғона, Бухоро шаҳарларида, Тошкент вилояти шаҳарларида, шунингдек, Тошкент, Андижон, Фарғона ва Бухоро вилоятларида назоратда булган 35-68 ёш оралиғидаги 1525 нафар аёллар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида аёлларнинг амбулатор варақалари, қон зардобини, сийдик, бачадон ва эндометрийнинг биоптатлари текшируви утказилди.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда умумклиник, гинекологик ва махсус: морфологик, гистологик, гистокимёвий, биокимёвий, молекуляр-генетик, психометрик, статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

климактерик даврнинг асоратли ўтиши предикторлари аниқланган, перименопаузадаги аёлларнинг ХСга таъсир қилувчи омилларнинг аҳамияти очиқ берилган, 82,1% аёлларда КС ривожланиши, уларнинг 1/5 қисмида бу жараён атипик ва аёлларнинг ярмида постменопаузада асоратли кечиши аниқланган;

аёлларда климактерик даврида қаришга олиб келувчи руҳий-жинсий муаммолар, шунингдек, пери- ва постменопаузадаги вегетатив-неврологик, когнитив бузилишлар тизимлаштирилган;

ёши ва КСнинг клиникаси мавжудлигига қараб ММС компонентлари аниқланган;

ЭГПнинг бошланиши, ривожланиши ва қайталаниши ҳамда бачадонд қон кетиши пери- ва постменопаузадаги метаболик бузилишлар билан патогенетик боғлиқлиги исботланган;

перименопауза даврида семизлик фонидаги ЭГПси ва бачадонда қон кетишининг генетик детерминантлар – эстроген (rs2228480 ER1); прогестерон (rs1042838 PR) рецепторлари; ўсма некрози омили (rs1042522 rs1800629 TNF- $\alpha$ ) ва апоптоз (Arg72Pro TP53) генларнинг аллеллар ва генотипик вариантлари учрашиш сони ўртасидаги концептуал боғлиқлиги аниқланган;

перименопаузадаги аёлларни даволаш, профилактика чоратадбирларини, дифференциал ёндашувни танлаш мақсадга мувофиқлиги асосланган ва уларнинг самарадорлиги қиёсий баҳоланган;

пери- ва постменопаузадаги аёлларни ташхислаш ва парваришлашга асосланган инновацион ёндашувлар ишлаб чиқилган, тадқиқот натижаларини комплекс баҳолаш асосида аёлнинг ҳолатини интеграцион баҳолаб, даволашнинг оптимал усули ишлаб чиқилган;

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

пери-ва постменопауза патологик кечишининг ривожланиш хавф гуруҳлари (предикторлари)ни шакллантириш мезонлари ишлаб чиқилган: КС, ММС, руҳий-жинсий бузилишлар эстрогентанкис шароитларига аёл организмнинг дезаптациясига боғлиқ бўлиб, бу ўз навбатида аёллар саломатлигини ифодалаши аниқланган;

тадқиқотда амалга оширилган анамнестик, метаболик (семизлик) ва молекуляр-генетик текширув найжаларини клиник баҳолаш (предикторлар) асосида PR гени Т/Т полиморфизми, TNF- $\alpha$  гени G/A rs1800629 ва TP53 гени Pro Arg72Pro аллели вариантларга эгаликнинг ЭГП ривожланиши, унинг қайталаниши ва кучайиши мумкинли билан боғлиқлиги аниқланган.

ЭГП билан боғлиқ БАҚК ривожланишида генлар полиморфизмини аниқлашнинг прогностик аҳамияти исботланган, хусусан: TP53 гени Pro Arg72Pro аллели, шунингдек, ЭГП қайталаниши хавфининг юқориги ҳамда метаболик генезли стандарт прогестерон терапияга толерантликнинг PR гени

T/T полиморфизмига ва яллиғланишнинг TNF- $\alpha$  генининг G/A rs1800629 гетерозигота вариантыга боғлиқлиги исботланган;

КС, ММС, руҳий-эмоционал бузилишлар бўлган перименопаузадаги аёлларни парваришlash учун индивидуал эҳтиёжлар, клиник ва лаборатор текширув натижаларига асосланган миқдорга қаратилган, шунингдек, молекуляр-генетик усулларга асосланган персоналлашган даволаш-профилактика усуллари ишлаб чиқилган;

перименопаузадаги аёлларни ташхисlash ва уларни парваришlash 2 электрон дастур-алгоритмлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлиги** ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, маълумотларга статистик текширув усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти перименопаузадаги аёллар ҲСни яхшилаш мақсадида климактерий патологик кечишига патогенетик медикаментоз ва номедикаментоз таъсир чораларини кўриш ва аёллар саломатлигини баҳолашга дифференциациялашган ёндашувни белгиловчи янги билимларни кенгайтириш ва назарий асослари яратиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, тадқиқот климактерик ва ёндош тизимли бузилишларни ташхисlash, даволаш ва олдини олишга қаратилган. Перименопаузадаги аёлларни парваришlashга қаратилган индивидуаллашган ва персоналлашган ёндашув клиник-лаборатор кўрсаткичларини ҳамда умуман ҲСни яхшилайдди. Алгоритм кўринишидаги инновацион ишланмадан пери- ва постменопаузанинг патологик кечиши: КС, ММС, ЭГПни клиникасигача ташхисlash ва даволаш тактикасини аниқlashда фойдаланиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларнинг жорий қилиниши.** Перименопауза даври аёлларни даволаш-профилактика чораларини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

«Климактерик синдром. Ташхисlash ва парваришlashга комплекс интеграцияланган ёндашув» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 17 июлдаги 8н-р/227–сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома КСнинг ташхисlash алгоритминини ишлаб чиқиш ва жорий этиш имконини берган ва климактерик даврдаги аёлларни парваришlashда даволаш-профилактика шахсий ёндашувлари ишлаб чиқилган;

«Менопаузал метаболик синдром. Ташхисlash ва парваришlashга интеграцияланган ёндашув» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 20 июлдаги 8н-р/228–сон

маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома перименопаузадаги аёлларнинг анамнестик, клиник, биокимёвий кўрсаткичлари асосида ММСнинг предикторларини ташхислаш алгоритми ишлаб чиқарилган;

Климактерик даврининг патологик кечишини комплекс ташхислаш, перименопаузадаги аёлларни парваришlashга индивидуал ёндашув бўйича олинган натижалар Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази қошидаги “Оила ва никоҳ” илмий-маслаҳат поликлиникаси, Наманган, Андижон вилоятлари перинатал марказлари ва Андижон шаҳри поликлиникаси фаолиятига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 11 ноябрдаги 8н-з/149–сон маълумотномаси). Жорий қилинган натижалар пери- ва постменопауза даврларида аёлларни парваришlashга қаратилган индивидуал ва персонал ёндашув умумий ҲСни яхшилайти ҳамда КС, ММС, депрессияларни ташхислаш ва даволаниш муддатини қисқартириш орқали, тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини оширишга имкон яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 15 та, жумладан, 3 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 63 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 21 та мақола, жумладан 17 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, етита боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертация ҳажми 204 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети кўрсатилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, олинган натижаларнинг илмий янгилиги, илмий ва назарий аҳамияти баён қилинган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, чоп этилган ишлар, диссертация тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Перименопауза муаммолари. Патогенетик, диагностик даволаш-профилактик жиҳатлар»** деб номланиб, унда климактерий кечишининг патологик жиҳатлари назарий томондан ёритилган, КС, ММС, БАҚК келтирилган, ЭГПнинг клиник, гистологик ва молекуляр-генетик тавсифлари баён қилинган, психоэмоционал ва вегетатив бузилишлар пайдо бўлиш сабаблари ва клиник белгилари, тури терапия усуллариининг ютуқ ва камчиликлари, фойдали ва зарарли томонлари таҳлил қилинган, шунингдек, перименопаузадаги

аёлларни соғломлаштириш дастурларини яратиш муаммолари кўриб чиқилган, ушбу муаммоларнинг ҳал қилинмаганлиги ва аниқлаштириши кераклиги келтирилган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Пре-, пери- ва постменопаузадаги аёлларни ўрганиш материали ва усуллари**» деб номланиб, унда клиник материалнинг умумий тавсифи ва Тошкент тиббиёт академияси 2-клиникаси базасида ТТАнинг 2-сонли акушерлик ва гинекология кафедрасида бажарилган тадқиқот усуллари келтирилган. Тадқиқотлар учта босқичда амалга оширилган. Дастлабки босқичда тўлдирилган анкеталар таҳлили, умумий ва гинекологик кўрик натижалари, клиник-лаборатор таҳлиллар асосида 1525 нафар аёлнинг ҳолати қиёсий таҳлил қилинган. Аёллар 3 хил ёш тоифасига ажратилди: 1-гурухга (n=627) 35-44 ёш чегарасидаги репродуктив ёшдаги аёллар олинди; 2-гурухга (n=642) асосан перименопауза ёшидаги 45-54 чегарасидаги аёллар киритилди; 3 гурухни (n=256) асосан постменопауза давридаги 55-68 ёшдаги аёллар ташкил этди. Аёлларнинг ўртача ёши  $46,9 \pm 0,2$  ни ташкил этди. 1-гурух эрта ва вақтидан олдин менопаузанинг, шунингдек, пери- ва постменопаузлар патологик кечишининг предикторларини аниқлаш учун хизмат қилди. Иккинчи босқичда КСнинг тарқалиши, КС белгиларининг намоён бўлиш даражаси ва предикторлари аниқланди. Учинчи босқичда 44 дан 56 ёшгача бўлган (ўртача ёш  $54,7 \pm 3,7$ ) 265 та аёлдаги даволаш-профилактика чораларининг самарадорлиги ўрганилди, улар терапевтик ёндашувга қараб 7 та гурухга тақсимланган. Назорат гурухини даволаш олиб борилмаган 43 нафар аёл ташкил этди.

Дифференциацияланган персоналлашган даволашни олиб бориш учун БАҚК бўлган аёлларга (n=120) пери- ва эрта постменопауза даврида эндометрийдан алоҳида даволаш-диагностик қиринди олиниб, кейинчалик биоптатлари морфологик ва гистокимёвий текширувдан ўтказилди, ЭГП қайталаниши ва ривожланиши омиллари таҳлил қилинди ҳамда ЭГП қайталанишининг молекуляр-генетик маркерлари аниқланди. Якуний босқичда даволаш-профилактик ёрдам кўрсатишга бўлган алоҳида ва шахсий ёнлашув бўйича аёлларни даволашнинг 2 та электрон дастури ҳамда 2 та алгоритми ишлаб чиқилди.

Аёлларни тадқиқотга жалб қилиш мезонлари: ёши 35-68, тадқиқот бошланишига қадар камида 6 ой давомида МГТ, гормонал контрацепция, антидепрессантлар, шунингдек МСни даволаш препаратларини қабул қилмаганлик. Гурухга киритмаслик мезонлари: сут безида шиш бўлса, ҳозирги вақт ҳамда анамнезда эстрогенли ва бошқа хавфли ўсмалар мавжудлиги; декомпенсация ёки кучайиш босқичидаги сурункали касалликлар, ҳомиладорлик.

Аёллар комплекс текширувдан ўтказилиб, бунда қуйидаги умумклиник ва махсус тадқиқот усуллари қўлланди: психологик, биокимёвий, морфологик, гистокимёвий, молекуляр-генетик, инструментал, экспресс-гормонал ва статистик.

Аёлда КС борлиги ҳамда унинг оғирлик даражаси модификацияланган менопауза Купперман индекси (ММИК) бўйича баҳоланган. ВНС криз ҳолатларини баҳолаш А.М. Вейн саволномаси (2003)га асосан амалга оширилди, вегетатив жавоб типи – Кердо вегетатив индексини (ВИ) ҳисоблаш йўли билан, депрессия – CES-D (Center of Epidemiological studies of USA-Depression) саволномси бўйича, когнитив бузилишлар – Мини Ког тести ёрдамида, ҲС – Россия тиббиёт фанлар академияси қошидаги Акушерлик, гинекология ва перинатология илмий марказида ишлаб чиқилган саволнома (1998) бўйича баҳоланди. Кичик тос органлари УТТ LandWind medical Model Mirror2 50V60Hz500VA ультратовушли аппаратда амалга оширилган бўлиб, реал вақт режимида 3,5 МГц частотали конвекс трансабдоминал датчик ва иш частотаси 7,5 МГц га тенг вагинал датчик (Хитой) қўлланди.

ММС ташхиси антропометрия ҳамда биокимёвий тадқиқотлар асосида белгиланди: умумий холестерин (УХс), зичлиги паст (ЗПЛХ), зичлиги жуда паст (ЗЖПЛХ) ва зичлиги юқори липопротеинлар холестерини (ЮЗЛХ), атерогенлик коэффицентини ҳисобланди, Human (Германия) фирмаси реактивларидан фойдаланган ҳолда «Hoffman-La-Roche» (Австрия) фирмаси анализаторларида энзиматик ферментатив усулда триглицеридлар (ТГ) аниқланди; 5010V5+ (Германия) биокимёвий ярмаавтомат анализатор-фотометрда глюкозотолерант тест ўтказиш орқали глюкоза миқдори аниқланди, ООО «Хема» (Россия) тест-тизими орқали ELISA иммунофермент анализаторида С-реактив оқсил (СРО) аниқланди.

Пери- ҳамда эрта постменопаузада БАҚК табиатини аниқлаш, шунингдек, кейинги индивидуал даволаш тактикасини аниқлаб олиш мақсадида эндометрий морфологик ва гистокимёвий текширувдан ўтказилди. Бачадон бўшлиғини аспирация/қириш орқали олинган биоптатлар ва гистерэктомиядан сўнг олинган операцион материал ёрдамида серияли кесимлар тайёрланди, гистологик текширувлар учун гематоксилин ва эозин билан бўялди, турли структураларни аниқлаш учун – гистокимёвий текширувлар ўтказилди: бириктирув тўқималарининг коллаген толалари – Ван-Гизон бўйича, углевод ва мукополисахаридлар – ШИК-реакция бўйича, РНК - Унна-Браше бўйича, ДНК – Фельген бўйича бўялди. Препаратлар окуляр микрометр-15 (ОМ)ли МБИ-6 (Россия), Leica (Германия) нур-оптик микроскопда кўрилди.

Генетик ўзгаришлар ўзига хослигини аниқлаш ҳамда БАҚК ли аёлларни индивидуал даволашни ишлаб чиқиш учун молекуляр-генетик текширувлар ўтказилди. Қон намуналари олингандан сўнг «ИнтерЛабСервис» МЧЖнинг (Россия, Москва) «Рибо-преп» реагентлар тўплами ёрдамида периферик қон лимфоцитларидан геном ДНК ажратилиб (Sambrook J. et al., 1989), ДНК намуналари сифати NanoDrop 2000 «Thermo Scientific» (USA) спектрофотометрида текширилди. 4 та ген: позициялардаги rs1800629I TNF-a, G-308A гени, TP53a гени Arg72Pro, шунингдек, ER гени G/A (rs2228480) ва PR гени G/T (rs1042838) НПФ Литех МЧЖ ва НПО Снтол (Москва) фирмаси тўплами орқали амалга оширилди. Ўрганилган локуслар детекцияси ва

амплификацияси GeneAmp PCR-system 2720 (Applied Biosystems, США) ва CG1-96 («Corbett Research» QUAGEN Германия) термоциклерлари ёрдамида махсус ПЗР ва реал вақт режимидаги ПЗР нинг аллеллар усули орқали амалга оширилди. ДНК фрагменти узунлиги маркери сифатида MspI рестриктазаси («СибЭнзим», Новосибирск) билан парчаланган pUC19 плазмидаси олинди. Амплификация ўзига хослиги ҳамда ҳосил бўлган амплификат миқдори горизонтал электрофорез усулида ажратилиб, текширилди, фотокамера ўрнатилган УФ-трансиллюминатор ёрдамида аниқлаштирилди.

Олинган натижалар «OpenEpi 2009, Version 2.3» амалий дастурлар пакети ёрдамида статистик қайта ишланди. ДНК (rs1800629I TNF-а в позициях G-308A гена, Arg72Pro гена TP53, а также G/A (rs2228480) гена ER и G/T (rs1042838) гена PR)нинг ўрганилган локуслари генотиплари тақсимланишининг Харди-Вайнбер (РХВ) анъанавий тақсимланишидан қанчали оғиши «GenePop» дастури ёрдамида амалга оширилди. Ҳар бир генетик маркернинг прогностик аҳамияти (<http://vigg.ru/fileadmin/user-upload/Rubanovich/>) дастури орқали аниқланади. Ассоциациялар даражаси odds ratio (OR) шанслари ва relative risk (RR) ривожланиши хавфи нисбати кўрсаткичи қийматларида баҳоланиб, белгилар боғлиқлиги Спирмен (г) корреляцияси коэффициенти билан ҳисобланди.

**«Пре-, пери- ва постменопаузада аёллар саломатлиги ҳолати ва ҳаёт сифати»** деб номланган учинчи бобда организмнинг репродуктив ҳамда умумий қариш динамикасини баҳолаш натижалари келтирилган, шикоятлар, анамнез ва клиник текширувлар натижаларини ўрганиш йўли билан климактерик синдром патогенезининг асосий бўғинлари очиб берилган.

Ёш ўтиши билан соматик, психик ва гинекологик ҳолатларнинг қиёсий таҳлили кейинчалик МСни келтириб чиқарадиган касалликлар учраш сони ошишини кўрсатди: юрак ишемик касаллиги - 1,3 дан 11,3%га, қандли диабет (ҚД) – 1,1 дан 5,5%га, гипертоник касаллиги (ГК) - 9,7 дан 38,3%га, семизлик - 29,7 дан 51,5%гача ва депрессия - 13,6 дан 19,1%га. Бундай тенденция перименопауза билан айниқса кўпроқ кузатилди. Ўртача ҳисобда оғриқ (турли жойлардаги оғриқ, кўпроқ бош оғриғи) ва тез-тез сийиш омили 2 баравар ошган, бу эса аёллар ХСни жиддий пасайишига олиб келган. Шу билан бирга, ёш ўтиши билан тарқалиши камайган касалликлар ҳам аниқланди: гастрит ва ошқозон яраси – 23,4 дан 18,4%га, пиелонефрит – 22,3 дан 15,6%га ва анемия – 21,7 дан 2,7%%га. Акушерлик анамнези кўп тукқанлар, аборт қилдирган ва ҳомиласи тушган аёллар улуши юқорилигини кўрсатди, бунда туғруқ жараёнига жарроҳлик аралашуви ёши катта аёллар гуруҳига қараганда кеч туғруқ ёшидаги аёлларда 1,6-2,5 баравар кўпроқ учради. Перименопаузадаги аёлларда бошқа ёш тоифасидаги аёлларга қараганда миометрий (16,4%) ва эндометрий (8,4%) гиперпластик жараёнлари кўпроқ учрайди. Жаҳондаги ўртача менопауза ёши (49,24±1,73 ёш)га қараганда бизнинг минтақада аёлларимиз менопаузаси эртароқ бошланишини аниқладик (46,7±0,2 ёш). Жарроҳлик менопаузаси (ЖМ) 5,5% ҳолатда кузатилиб, ўртача ҳисобда 42,6±0,6 ёшда бошланган, деярли ҳар ўнинчи аёлда (11,8%) муддатидан олдинги ва эрта менопауза кузатилган,

яъни ўртача ҳисобда  $40,9 \pm 0,3$  (26 ёшдан 45 гача) ёшда бошланган, ваҳоланки IMS (2016) маълумотларига кўра, спонтан муддатидан олдинги ва эрта менопауза учраш сони 1%ни ташкил этади. Тахминан аёлларнинг 26%ида менопауза 45 ёшдан олдин, 54% да – 45-50 ёш оралиғида ва 20% да 50 ёшдан сўнг бошланаган.

Ўтиш даврида юзага келадиган гормонал ўзгаришлар йиғиндиси олий мия структуралари – гипокамп, лимбик тизим, терморегуляторлик, қон томирни ҳарактлантирувчи марказ фаолияти бузилишига олиб келади, бу эса нейровегетатив синдром ва психоневрологик ҳолатлар клиник белгиларини келтириб чиқаради. Дарҳақиқат, ММИКни баҳолаш шуни кўрсатдики, биз текширувдан ўтказган аёлларимизнинг аксарияти КС билан оғриган (91,6-95,4%) ва ўртача ҳисобда 7,7% аёллардагина шаклланган КС белгилари бор. Патогномоник ва менопауза билан боғлиқ қизиқ кетиш белгиси пременопаузадаги ҳар иккинчи ва пери- ҳамда постменопаузадаги (мос равишда 49,4 ва 51,9%) ҳар 5чи аёлда (22,8%) кузатилган. Барча ёш тоифаларидаги аёлларда КСнинг енгил кечиши кузатилди, пери- ва постменопаузадаги 1/3 аёлларда ўртача оғир тури қайд этилган, оғир климактерик бузилишлар - у 1,2% аёлларда кузатилган. Перименопауза даври КС атипик кечиши ва манифестацияси кўшилиши (20,5%да) ҳамда КСнинг соматик патология билан асоратланган (27%) ва постменопаузада учраш сони бақарор ортадиган (49,1%) шаклининг ишончли кўпайиши жиҳатидан энг нозик давр саналади, бу эса ҲС ҳамда унинг давомийлиги пасайишига олиб келади.

ММИКни баҳолаш пре- дан постменопаузагача бўлган нейро-вегетатив бузилишлар, перименопаузада кучли психоэмоционал ва нейровегетатив бузилишлар, постменопаузада эса моддалар алмашинуви-эндокрин бузилишлар давомийлигини кўрсатди. Демак, даволаш-профилактика йўналиши STRAW (2012) бўйича кўриб чиқиладиган барча ёш тоифалари давомида (3b кеч репродуктивдан тортиб +2 постменопаузагача) нейро-вегетатив бузилишлар баратараф этилишига йўналтирилганган бўлиши керак; перименопаузада психоэмоционал соҳада коррекция талаб этилади, метаболик бузилишларнинг профилактик йўналиши иложи борича эртароқ ёшдан бошланиши керак (-3b, -3a, +2), даволаш эса – кеч постменопаузагача (+2) давом этиши лозим.

КС ривожланиши предикторларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда, соғломлаштириш дастурини танлаш ва юритишга бўлган индивидуал ёндашув айнан шунга асосланиш лозим. КС предикторлари қуйидагилар: соматик касалликлар: қалқонсимон без (OR=8,4) ва буйрак (OR=4,4), ҚД (OR=3,3), семириш (OR=2,3) ва ГК (OR=2,2); акушер-гинекологик ҳолат: ЖМ (OR=7,9), бачадоннинг қин усти ампутацияси (БҚУА) (OR=6,7), бачадон бўшлиғини қўл билан текшириш (ББҚТ) (OR=6,0), анамнездаги кесарча кесиши (OR=2,6) ва бачадон миомаси (OR=3,9), шунингдек, ижтимоий ҳолат: шаҳарда яшаш (OR=2,1). КС ривожланиши ҳимоя (протектор) омиллари қуйидагилар: эрга тегмаганлик (OR=0,3); тиббиёт ходимлари (OR=0,6). КС



оғирлик даражаси ҳамда кечиш давомийлиги ўртасидаги боғлиқлик аниқланди ( $r=0,75$ ).

Аёлларда ҲСнинг қиёсий таҳлили кўрсатишича, пери- ва постменопаузада жисмоний фаоллик (ЖисФ) кўрсаткичлари ишончли пасаяди, генитоуринар атрофия, клиник диспареуния, жинсий мойиллик ва жинсий қониқиш пасайиши, шунингдек, эр йўқлиги туфайли жинсий муаммолар пайдо бўлади. Менопауза даврида саломатликнинг субъектив баҳоси (ССБ) бошқа гуруҳларга қараганда ишончли тарзда юқори бўлиб ( $P\leq 0,05$ ) кўпинча уйқунинг бузилиши, тез-тез сийиш/сийдик тутмаслик, оғриқ синдроми билан боғлиқ бўлган. Перименопаузадаги ҳар бир 10чи аёл ҲСнинг қоникарсиз баҳоси (11,3%) гонадотроп гормонлар флюктуацияси фонида аёлларнинг эстрогентанқис ҳолатига ўтиши мураккаб кечишдан далолат беради. КС борлиги ва ҲС паст баҳоланиши ўртасида боғлиқлик борлигини аниқладик ( $r=0,55$ ). ҲСнинг деярли барча КС ташкилий белгилари бор аёлларда бундай белгилар бўлмаган аёлларга қараганда ишончли пасайган: ЖисФ, рухий ҳолат (РХ), жамоатчилик ва шахсий фаолият (ЖамФ ва ШФ), шунингдек, жинсий фаолият (ЖинФ) ўртача баллари перименопаузадаги аёлларда 1,5 барабар юқори бўлган. Ундан ташқари, КС оғирлик даражасининг ортиши билан ҲС кўрсаткичлари деярли 2 барабар прогрессив ошган ( $P\leq 0,05$ ).

КС бўлган аёлларни текшириш натижалари кўрсатишича, унинг оғирлик даражаси ошиши билан, соматик патология прогрессив ортиши кузатилди: юрак қон-томир касалликлари – 45,3 дан 72,2%гача, эндокринопатиялар – 22,0 дан 44,4% гача ( $P\leq 0,05$ ). Енгил даражали КС бўлган ҳар бир 4-аёл ва оғир даражали ҳар бир 3-аёл сийдик чиқариш тизимида муаммолари борлигини айтишган. ОИТ патологияси климактерий физиологик кечадиган аёллар гуруҳига қараганда КС ли аёлларда 3-3,8 барабар кўпроқ кузатилган. ССБ кўрсатишича, КСнинг енгил кечиши белгиси кўпгина ҳолларда умумий ҳолатини ёмонлаштирмади, 2-даражали КС да деярли ҳар бир 5-аёл, 3-даражали КС да эса аёлларнинг 2/3 қисми ёмон ҲСдан шикоят қилишган, бу эса аёл ҳаётининг барча жабҳаларига эстрогентанқислик жиддий таъсир қилишини кўрсатади.

Шу тариқа, перименопаузада ЖисФ, ЖинФ, шунингдек, ССБ нинг пасайиши ҲС даражасининг пасайишида хал қилувчи омил саналади; постменопаузада эса бундай омил ЖисФ пасайиши ҳамда соматик ва асаб-психик ҳолатига бўлган шикоятлар, қатор ҳолатларда аёллар ўз саломатлиги борасида юқори фикрда эканлиги кузатилди. КС бўлган аёлларда ҲСнинг барча ташкил қилувчилари ёмонлашган, айниқса ЖисФ, соғлиқдаги хавотир-депрессия, сексуал қоникмаслик ва сексуал мойиллик пасайиши кучайган.

Диссертациянинг «Менопаузали метаболик синдром» номли бобида ёш ва КС белгилари борлигига қараб МС ташкил қилувчилари учраш сони қиёсий таҳлил қилинган.

Бел айланаси – МС нинг бош мезони бўлиб, ёш ўтиши билан тана вазни индекси (ТВИ) тинимсиз ўсиб боради,  $P<0,05$ . Ундан ташқари, кеч репродуктив даврдан бошлаб ҳар бир учинчи, постменопаузага келиб эса –

хар бир иккинчи аёл семизликдан азият чеккан. КС оғирлик даражасига қараб, бел айланаси ва ТВИ кўрсаткичлари жадалроқ ортиб борган,  $P \leq 0,05$ . Бел айланаси  $< 80$  см кўрсаткичи климактерийда фаровонлик кўрсаткичининг яққол ифодаси бўлиб КС ривожланиши хавфини 2 баравар камайтирган ( $OR=0,5$ ). Ортиқча вазн ҳамда семизлик КС ривожланиш хавфини оширади, аммо КС ривожланиш хавфи II даражали семизлик бўлган аёлларда ўта юқори ( $OR=8,1$ ). Демак, КС клиникасининг оғирлашиши билан ТВИ ва бел айланаси кўрсаткичлари кескин ортган, бу ёшга қараганда ҳам кўпроқ бўлди.

Барча текширилган аёлларнинг 18,5% идагина анамнезда ГК қайд этилган, ММС -  $AB \geq 135/85$  мезони эса 1,5 баравар кўпроқ кузатилган. Ҳар бир бешинчи аёлда текширувда гипертензия илк бор аниқланган. Ёшига қараб АБнинг 135/85 мм.сим.уст. ва ундан ортиққа ошиши кузатилган: 1-гуруҳда - ҳар бир бешинчи аёлда, 2-гуруҳда – ҳар бир учинчи аёлда, 3-гуруҳда – ҳар иккинчи аёлда. ГК борасида ҳам худди шундай манзара кузатилган (9,7 дан 38,3%га). ГК ҳам, АГ ҳам КС ли аёлларда 2 марта кўпроқ қайд этилган, КС оғирлик даражасининг ривожланиши билан АГ ва ГК учрашишни ҳам, АБ ўртача қийматларининг ҳам ортиши кузатилган. Таъкидлаш жоизки, КС борлиги ҳам, унинг оғирлик даражаси ҳам ёш омилидан ҳам кўпроқ АБ кўрсаткичларига таъсир қилган: КС оғирлиги даражаси ортиши билан АГ частотаси 21,7 дан 77,8%гача ортган, ГК – 16,4 дан 55,6%га ортган. 3-даражали КС ли ҳар бир иккинчи аёлда АБ ҳам юқори бўлган, висцерал семизлик ҳам кузатилган.

МС кеч репродуктив ёшдан (27,5%) тортиб постменопаузагача (28,1%) бўлган деярли ҳар бир учинчи аёлда ривожланган бўлиб, перименопауза (33,9%)да бўлган аёлларда МС ишончсиз кўпроқ қайд этилган. Перименопауза бўлган аёлларда МСнинг асосий компонентлари учраш частотасига кўра қуйидаги кетма-кетликда жойлашди: Бел айланаси  $> 80$  см – 73,7%, дислипидемия – 33,1%, АГ – 31,9%, қўшимча компонентлар - семириш – 38,6%, ортиқча вазн 32,6%, гиперхолестеринемия – 65,3%, юқори атерогенлик коэффиценти – 66,9%. Бу ММС қонунийлиги ва унинг ортиб бораётган эстрогенанқислик шаклланишидан далолат беради. Перименопауза ММС пайдо бўлиши ва кейинчалик дунёда ҳам, Ўзбекистонда ҳам ўлимнинг бош сабабчиси бўлган юрак-қон томир касалликларига айланиши жиҳатидан энг хавфлидир. Юрак-қон томир касаллиги ривожланишининг мустақил предиктори СРО кўрсаткичи бўлиб, унинг даражаси аёлларда юқори бўлиб, ММС бош кўрсаткичи – бел айланаси ( $r=0,43$ ) билан корреляцияланган. Биз ММИК клиник кўрсаткичлари ва атероген гипертриглицеридемия ( $r=0,6$ ), кўрсаткичлар бел айланаси ( $r=0,43$ ) ва ТВИ ( $r=0,38$ ), шунингдек, ҲС ва ТГ ( $r=0,31$ ) ҳамда атерогенлик коэффиценти ( $r=0,62$ ) кўрсаткичлари ўртасидаги бевосита ишончли корреляцияни аниқладик. КС оғирлик даражаси бўлган аёлларда углевод ва липид алмашинуви частотаси климактерий физиологик кечадиган аёлларга қараганда 1,2-2,9 баравар ошган. Атерогенлик коэффиценти ( $OR=6,9$ ), ТВИ $\geq 25$ ( $OR=7,0$ ), ММС ( $OR=3,9$ ) ва унинг таркиби: бел айланаси $> 80$  см ( $OR=2,1$ ), НТГ ва КД, ( $OR=2,9$ ) кўрсаткичлари юқори бўлган ва

